

Ўзбекистон Республикаси
ялпи ҳудудий маҳсулоти¹
2026 йил январь-июнь ойлари учун²

- I. Ялпи ҳудудий маҳсулот
- II. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
- III. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот
- IV. Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМ (ЯХМ)даги улуши
- V. Изоҳлар
- VI. Ҳаволалар

I. Ялпи ҳудудий маҳсулот

Статистика дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси томонидан 2026 йил январь-июнь ойлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)ни дастлабки баҳолаш ишлари амалга оширилди.

ЯИМ (ЯХМ) ҳажми ва ўсиш суръатлари, январь-июнь

	2025 йил ³		2026 йил	
	Ҳажми, млрд сўм	Ўсиш суръатлари, % да	Ҳажми, млрд сўм	Ўсиш суръатлари, % да
Ўзбекистон Республикаси ⁴	900 694,2	107,2	1 072 670,1	108,5
Қорақалпоғистон Республикаси	26 399,0	105,2	32 383,9	110,2
вилоятлар:				
Андижон	50 447,6	106,4	59 619,7	108,8
Бухоро	38 591,9	106,4	44 766,0	108,8
Жиззах	25 075,3	107,9	29 694,6	108,6
Қашқадарё	48 589,9	105,9	55 712,6	108,4
Навоий	88 053,6	107,9	113 870,5	106,7
Наманган	36 777,2	107,3	45 540,0	108,3
Самарқанд	56 041,9	107,0	67 361,0	109,7
Сурхондарё	31 428,1	105,7	35 865,3	107,3
Сирдарё	16 124,5	106,3	19 147,9	108,4
Тошкент	84 051,8	107,3	103 829,4	108,7
Фарғона	56 674,4	106,8	65 221,6	109,1
Хоразм	28 354,2	107,4	32 933,3	109,1
Тошкент ш.	187 770,3	110,6	226 028,7	113,3

Мавзуга доир ҳавола:

[ЯИМ \(ЯХМ\) ҳажми \(чораклик\)](#)

¹ Маълумотлар кузатилмайдиган иқтисодийётни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.

² Дастлабки маълумотлар

³ 2025 йилнинг январь-июнь ойлари маълумотлари қайта баҳоланган.

⁴ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

ЯИМ (ЯҲМ) ўсиш суръатлари (чораклик)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри **21,1 %** улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Навоий ва Тошкент вилоятлари **10,6 %** ва **9,7 %** кўрсаткичлари билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМини шакллантиришда энг кам улуш Жиззах (**2,8 %**) ва Сирдарё (**1,8 %**) вилоятларига тўғри келган.

2026 йилнинг январь-июнида ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки



II. Ялли ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби

**2026 йилнинг январь-июнь ойларида
ЯИМ (ЯҲМ)нинг тармоқлар бўйича ҳажми, млрд сўм**

	ЯИМ (ЯҲМ)	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар соҳаси	Маҳсулотларга соф солиқлар
Ўзбекистон Республикаси	1 072 670,1	154 256,4	272 600,0	79 171,5	521 594,0	45 048,2
Қорақалпоғистон Республикаси	32 383,9	8 581,8	5 372,9	2 713,0	14 978,4	737,8
вилоятлар:						
Андижон	59 619,7	16 062,5	15 032,7	3 775,8	23 714,0	1 034,7
Бухоро	44 766,0	12 336,2	8 690,9	4 554,0	18 291,2	893,7
Жиззах	29 694,6	10 631,0	5 351,7	1 995,1	11 093,9	622,9
Қашқадарё	55 712,6	16 667,4	8 841,0	3 891,4	23 699,6	2 613,2
Навоий	113 870,5	5 539,1	92 627,6	3 534,5	11 424,1	745,2
Наманган	45 540,0	12 189,1	7 021,2	3 508,0	22 075,9	745,8
Самарқанд	67 361,0	15 968,4	11 796,8	4 015,0	34 510,0	1 070,8
Сурхондарё	35 865,3	12 550,5	3 236,1	3 291,0	16 361,3	426,4
Сирдарё	19 147,9	4 688,5	5 384,8	1 522,3	7 038,2	514,1
Тошкент	103 829,4	13 899,9	47 075,3	7 789,9	32 280,4	2 783,9
Фарғона	65 221,6	17 436,7	10 065,9	5 007,8	31 473,6	1 237,6
Хоразм	32 933,3	7 705,4	5 059,8	3 529,6	16 000,1	638,4
Тошкент ш.	226 028,7	-	42 278,8	25 357,6	143 120,6	15 271,7

2026 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах (**36,6 %**) ва Сурхондарё (**35,4 %**) вилоятларида, саноатнинг энг юқори улуши Навоий (**81,9 %**) ва Тошкент (**46,6 %**) вилоятларида, қурилишнинг энг юқори улуши Тошкент шаҳри (**12,0 %**) ва Хоразм вилоятида (**10,9 %**), хизматлар соҳасининг энг юқори улуши эса Тошкент шаҳри (**67,9 %**) ва Самарқанд вилоятида (**52,0 %**) кузатилди.

2026 йилнинг январь-июнида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби, жамига нисбатан % да



**2026 йилнинг январь-июнь ойларида
ЯИМ (ЯҲМ)нинг тармоқлар бўйича ўсиш суръатлари, % да**

	ЯИМ (ЯҲМ)	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар соҳаси	Маҳсулотларга соф солиқлар
Ўзбекистон Республикаси	108,5	104,7	108,0	113,7	109,2	108,3
Қорақалпоғистон Республикаси	110,2	106,0	107,5	140,2	108,9	113,1
вилоятлар:						
Андижон	108,8	104,5	109,2	119,3	109,6	112,6
Бухоро	108,8	104,2	108,2	115,5	110,6	113,0
Жиззах	108,6	105,5	112,3	120,2	107,6	115,3
Қашқадарё	108,4	105,1	108,3	119,0	108,2	115,9
Навоий	106,7	104,4	105,4	127,2	112,3	107,2
Наманган	108,3	105,0	108,7	113,2	108,6	111,5
Самарқанд	109,7	104,5	109,8	135,4	109,4	117,7
Сурхондарё	107,3	104,1	108,2	119,5	107,3	112,4
Сирдарё	108,4	104,2	108,1	116,0	109,0	114,8
Тошкент	108,7	104,9	108,4	112,4	109,5	111,0
Фарғона	109,1	104,5	108,3	122,4	110,0	111,4
Хоразм	109,1	104,4	108,5	122,0	109,1	112,0
Тошкент ш.	113,3	-	108,0	110,2	115,5	113,9

III. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот

2026 йилнинг январь-июнь ойларида Навоий вилояти Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари орасида аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткичли ҳудудга айланди. Жорий нархларда бу кўрсаткич **102,1** млн сўмни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми бўйича иккинчи ўринда **70,7** млн сўм билан Тошкент шаҳри, учинчи ўринда эса **32,7** млн сўмлик натижа билан Тошкент вилояти бўлди.


Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми ва ўсиш суръатлари, январь-июнь

	2025 йил		2026 йил	
	Ҳажми, минг сўм	Ўсиш суръатлари, % да	Ҳажми, минг сўм	Ўсиш суръатлари, % да
Ўзбекистон Республикаси	23 890,2	105,2	27 950,1	106,6
Қорақалпоғистон Республикаси	12 971,2	103,8	15 740,7	109,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	14 519,6	104,4	16 872,3	107,0
Бухоро	18 525,3	104,8	21 194,6	107,3
Жиззах	16 234,0	105,8	18 878,1	106,6
Қашқадарё	13 288,5	103,6	14 931,2	106,2
Навоий	80 123,0	106,1	102 108,0	105,2
Наманган	11 693,6	105,1	14 221,5	106,4
Самарқанд	12 982,9	104,8	15 320,7	107,7
Сурхондарё	10 617,7	103,3	11 860,4	105,0
Сирдарё	17 251,8	104,4	20 167,1	106,7
Тошкент	26 928,2	105,4	32 701,3	106,9
Фарғона	13 614,4	104,7	15 387,5	107,1
Хоразм	13 905,7	105,4	15 876,5	107,2
Тошкент ш.	60 009,8	108,1	70 740,8	111,0

IV. Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМ (ЯҲМ)даги улуши

2026 йилнинг январь-июнь ойлари якунларига кўра, кичик бизнеснинг республика ЯИМдаги улуши **50,5** % ни ташкил этди. Ҳудудларда кичик бизнеснинг энг катта улуши Сурхондарё (ҳудудда яратилган ялпи қўшилган қиймат умумий ҳажмининг **76,0** % ини ташкил этган), Фарғона (**74,2** %) ва Наманган (**72,7** %) вилоятларида кузатилди. Кичик бизнеснинг энг кам улуши Навоий (**14,6** %) ва Тошкент (**49,7** %) вилоятларида қайд этилди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ЯИМ (ЯҲМ)даги улуши



V. Изоҳлар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)нинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ҳамда ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳудудий ривожланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичидир. ЯҲМ ўзининг иқтисодий мазмунига кўра, ЯИМ билан бир хил кўрсаткич бўлиб, у мазкур ҳудуднинг резидентлари бўлган иқтисодий бирликлар томонидан ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматлар қийматини ифодалайди.

ЯҲМ ҳисоб-китоблари республика даражасида Ўзбекистон Республикасининг 14 та маъмурий-ҳудудий бирлиги (Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўйича ишлаб чиқариш усули асосида амалга оширилади.

ЯҲМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули МҲТнинг ишлаб чиқариш ҳисобларини тузиш тамойилларига асосланади ва ЯҲМни иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий нархлардаги ялпи қўшилган қиймат ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали баҳолашни назарда тутди.

ЯҲМ ва унинг таркибий қисмларини ҳисоблашнинг услубий тамойиллари бутун иқтисодиёт бўйича ЯИМни ҳисоблаш тамойиллари билан бир хил. Лекин ЯИМнинг айрим таркиблари ҳудудлар кесимида шакллантирилмайди ёки ҳудудлар даражасида маълумотларнинг йўқлиги ва чекланганлиги, шунингдек, уларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари сабабли ҳудудлар бўйича тақсимланмайди. Шу сабабдан, улар Ўзбекистон Республикаси бўйича тақсимланмаган қисм сифатида ҳисоб-китобларга киритилади.

Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

Аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулотни шакллантиришда дастлабки ахборот сифатида ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳамда демография ва меҳнат статистикаси маълумотларидан фойдаланилади.

VI. Ҳаволалар

[Ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисоблаш бўйича услубий низом](#)

[Кузатилмайдиган иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича услубий низом](#)

[Ялпи ҳудудий маҳсулот](#)

Чоп этишга масъул:
Миллий ҳисоблар бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Алоқалар: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (1060)

